**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI**

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ БАНК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

THE CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100001, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent sh., O'zbekiston shohko'chasi, 6. Tel. (+99871) 212-60-10, 212-62-99. Faks (+99871) 233-35-09. Teleks 116396 Tanga RU Aloqa manzili: Toshkent – 1 Bank, WEB-site: www.cbu.uz, E-mail: info@cbu.uz

100001, Республика Узбекистан, г. Ташкент, пр. Узбекистанский, 6

6, Uzbekistan Av., 100001, Tashkent, Republic of Uzbekistan

2015 у. «10» Апрель № 10-11/41 "ХДФУ"

*"Хизмат доирасида фойдаланиш учун"*

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош вазири**
**Ш.М. Мирзиёевга**

**Ҳурматли Шавкат Миромонович!**

Ўтказилган таҳлиллар ва мониторинг натижаларига кўра 2015 йилнинг **январь-март** ойларида иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар учун нақд пулга бўлган талаб **10,9 трлн**.сўмни ташкил қилиб, 2014 йилнинг шу даврига нисбатан **1,9 трлн**. сўмга ёки **22** фоизга ошган.

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, ушбу тўловларнинг асосий қисми тўлангани ҳолда, **58,2 млрд**. сўмлик пенсия тўловлари, **53,8 млрд**. сўмлик махсус контингент ташкилотлари тўловлари Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида тўланмасдан қолди.

Бундан ташқари, мониторингга олинган **"Ўзбекэнерго"**, **"Ўзкимёсаноат"**, **"Ўзбекнефтгаз"** компаниялари, **"Ўзагромашсервис"**, **"Ўзпахтасаноат"** уюшмалари таркибидаги айрим корхона ва ташкилотлар молиявий аҳволининг қониқарсизлиги ва ҳисобрақамларида маблағлари бўлмаётганлиги сабабли **129 млрд**. сўмлик иш ҳақлари тўланмади *(1-илова)*.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси УМУМИЙ БЎЛИМ

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4.7 | Аҳоли гавжум жойларда, йирик корхона ва ташкилотларда, бозорлар ва савдо мажмуаларида пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш имконини берувчи инфокиосклар сонини кўпайтириш, уларни доимий равишда ишчи ҳолатида бўлишини таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш. | Доимий | Тижорат банклари, Банклар ассоциацияси, Давлат божхона кўмитаси, Ягона умумреспублика процессинг маркази |
| 4.8 | Чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида тўлов терминалларини узлуксиз ва белгиланган қоидалар асосида ишлаши устидан доимий мониторинг олиб бориш, терминалларни узлуксиз ишлатмаётган хўжалик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни туман (шаҳар) солиқ инспекцияларига ва нақд пул тушумларини топширмасдан терминаллар орқали "гумонли" операцияларни амалга ошираётган хўжалик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда СВОЖЖДЛҚҚДга тақдим этиб бориш ва тегишли чоралар кўриш. | Доимий | Давлат солиқ кўмитаси, Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚД, Тижорат банклари |
| 4.9 | Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари, жумладан "СМС-банкинг", "интернет-банкинг", "мобил-банкинг" каби хизматларни кенгайтириш, ушбу хизматлар асосида аҳолининг пластик карточкалари орқали уяли алоқа, интернет, коммунал хизматлар ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтириш чораларини кўриш. Мазкур хизматларни йирик супермаркетлар ва савдо комплекслари билан боғлаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш. | 2015 йилнинг июнь-июль ойларида | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Банклар ассоциацияси, Ягона умумреспублика процессинг маркази, Алоқа провайдерлари ва операторлари, Коммунал хизмат ташкилотлари, Тижорат банклари |
| 4.10 | Тўлов терминалларини "On-line" режимида узлуксиз ишлашини ташкил этиш учун алоқа компаниялари томонидан сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш, айниқса чекка туманлар, тоғли ва даштли ҳудудларда «3G» база станцияларини кўпайтирган ҳолда тармоқлар қоплами доираси ва сиғимини кенгайтириш, база станцияларни муқобил электр энергияси сақловчи воситалар билан таъминлаш. | 2015 йилнинг июнь-июль ойларида | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Банклар ассоциацияси, Ягона умумреспублика процессинг маркази |



www.ozodlik.org

Ушбу ҳолатлар **қуйидагилар** билан изоҳланади.

**1.** Ҳудудларда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг ошишига мутаносиб равишда нақд пул тушумларини кўпайтириш, муомалага чиқарилаётган пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш борасида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Жорий йилнинг январь-март ойларида иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **22** фоизга ошгани ҳолда, банк кассаларига келиб тушган нақд пул маблағлари атиги **8,0** фоизга кўпайган, айрим ҳудудларда эса камайиб кетишига йўл қўйилган *(2-илова)*.

Жумладан, **Фарғона** вилоятининг **12** та, **Самарқанд** вилоятининг **11** та, **Андижон** ва **Наманган** вилоятларида **9** тадан, **Қашқадарё** ва **Жиззах** вилоятларида **7** тадан, **Тошкент** вилоятининг **6** та, **Қорақалпоғистон** Республикасининг **7** та шаҳар ва туманларида нақд пул тушумлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайиб кетган.

Белгиланган пул тушуми прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши ҳам қониқарсиз аҳволда бўлиб, жорий йил январь-март ойларида **савдо ва пуллик хизматлар** кўрсатишдан тушган тушумлар *(терминал тушумлари билан бирга)* ўрнатилган **прогноз** кўрсаткичларидан **3,2 трлн.** сўмга кам бўлди *(3-илова)*.

Хусусан, март ойида **66** мингта хўжалик субъектлари пул тушумларини топшириш бўйича ўрнатилган прогноз кўрсаткичларини бажармаган, **34** мингдан ортиқ субъектларнинг ўртача бир кунлик топширилаётган нақд пул тушумлари белгиланган энг кам иш ҳақидан *(120 минг сўмдан)* ҳам камроқни ташкил этган.

**2.** Ҳудудларда муомалага чиқарилган нақд пулларни банк айланмасига жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли даражада ташкил қилинмаяпти.

Нақд пулларнинг қайтиш даражаси республика бўйича 2012 йилда **98,1** фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг I чорагида **92,8** фоизни ташкил этди. Бу эса, ҳар ойда ўртача **160-170** млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги нақд пуллар банк кассаларига тушмаётганлигини билдиради.

Оқибатда, **Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Тошкент** вилоятлари ва **Қорақалпоғистон** Республикасида нақд пул тушумлари нақд пулга бўлган талаб ва эҳтиёжларни тўлиқ қоплашга етмаяпти ҳамда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг тўланмай қолган қисми марказлаштирилган мадад пуллари ҳисобига тўланмоқда.



| | | | |
|---|---|---|---|
| 4.2 | Чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларининг тўлов терминалларига бўлган талабини доимий равишда ўрганиб бориш, уларга фойдаланиладиган зарур ускуна ва материалларни қисқа муддатларда етказиб бериш ҳамда доимий равишда банк омборларида етарли миқдорда терминаллар, пластик карточкалар, савдо карталари ва инфокиоскалар захирасини шакллантириш чораларини кўриш. | 2015 йилнинг май-сентябрь ойларида | Тижорат банклари, Банклар ассоциацияси, ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилар, Давлат божхона қўмитаси |
| 4.3 | Ҳудудлардаги барча чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган хўжалик субъектларини (айникса, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги чакана савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари, йўналишсиз таксилар) тўлов терминаллари билан тўлиқ жиҳозлаб бориш. | 2015 йилнинг май-сентябрь ойларида | Тижорат банклари, Давлат солиқ қўмитаси, Банклар ассоциацияси, Маҳаллий ҳокимликлар |
| 4.4 | Шаҳар ва туманларда, айникса, чекка, тоғли ва даштли ҳудудларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни сотувчи ва хизматларни кўрсатувчи терминаллар билан таъминланган савдо дўконлари ҳамда маиший хизмат корхоналари сонини кўпайтириш. | 2015 йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, Тижорат банклари |
| 4.5 | Янги ва қайта ташкил этилаётган чакана савдо, пуллик хизматлар ва умумий овқатланиш фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни беришда уларда тўлов терминаллари мавжуд бўлишини назарда тутувчи тартибни белгилаш учун Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш | 2015 йил май-июнь ойларида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар |
| 4.6 | Чакана савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (тижорат банкларидан ташқари) сотилган махсулотлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун пластик карточкалар қўлланиб тўланган ҳажмидан амалдаги ставкага нисбатан 10 фоиз пасайтирилган ставка бўйича даромад (фойда) солиғи ёки ягона солиқ тўловини тўлаш амалиётини жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. | 2015 йил май-июнь ойларида | Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси |

12

www.ozodlik.org

Хусусан, стратегик аҳамиятга эга корхоналар *(НТМК, ОТМК, Бекобод металлургия комбинати)* ҳамда контингент ташкилотларининг *(Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати)* иш ҳақи ва бошқа тўловларининг асосий қисми ҳудудлардаги тушумлар ҳисобига эмас, балки Марказий банкдан пул чиқариш ҳисобига тўлаб берилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида **470 млрд.** сўм миқдорида махсус контингент ташкилотлари учун мадад пуллари берилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, аҳвол шу тарзда давом этса ва тезкор амалий чора-тадбирлар кўрилмаса, махсус контингент, мониторингга олинган стратегик корхоналар иш ҳақи, пахта йиғим-теримчилари учун Марказий банк томонидан 2015 йилда **3,0 трлн**.сўмдан кўпроқ мадад пуллари чиқаришга тўғри келади ва бу ўз навбатида, муомаладаги нақд пул миқдорининг ошишига таъсир кўрсатади.

Муомаладаги нақд пул миқдорининг ошиб бориши, ўз навбатида, инфляцион босимнинг кучайишига, норасмий валюта бозорининг кенгайишига, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасининг ва оқибатда **"хуфиёна"** иқтисодиёт ҳажмининг ошишига, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг мураккаблашишига олиб келиши билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

**3.** Маълумки, 2013 йилнинг 1 февралидан бошлаб нақд хорижий валютани сотишнинг янги механизми жорий қилингандан кейин ушбу соҳадан тушадиган нақд пул тушумлари кескин камайиб кетди.

Хусусан, ушбу манбадан тушадиган нақд пул тушумлари 2013 йилда **1,9 трлн**.сўмга, 2014 йилда **2,4 трлн**.сўмга, 2015 йил январь-март ойларида **624 млрд**.сўмга *(ўртача бир ойда* ***208 млрд****.сўмга)* **кам** бўлди.

Айрим соҳаларда "сўм" ўрнига хорижий валютада тўловларни қабул қилиниши нақд пул тушумларига катта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, ички бозорда "GM Uzbekistan" автомашиналари хорижий валютага сотилиши сабабли ушбу соҳадан тушадиган нақд пул тушумлари 2013 йилда **1,7 трлн**.сўм, 2014 йилда **1,2 трлн**.сўм, 2015 йил I чорагида **152 млрд**.сўм эквивалентига камайди.

Шунингдек, хорижий авиакомпаниялар ваколатхоналари томонидан ҳамда **Россияга** бориш ва қайтиш учун **авиачипталарнинг хорижий валютага** сотилиши авиачипталар сотишдан тушадиган пул тушумларини ўртача бир ойда **50 млрд**.сўмга **камайишига** олиб келди.



| | | | |
|---|---|---|---|
| 3.9 | Аҳоли бўш пул маблағларини банкларга жалб этиш, аҳоли учун қулай бўлган янги омонат турларини жорий этиш ишларини янада фаоллаштириш:<br>- банк ва унинг барча филиалларида мижозларнинг омонат ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини уларнинг биринчи талабига кўра ўз вақтида берилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;<br><br>- оммавий ахборот воситаларида жорий этилган янги турдаги омонатлар, уларнинг шартлари, кафолатланганлиги, яратилган солиқ имтиёзлари тўғрисида тарғибот ишларини янада кучайтириш;<br>- мижозларнинг банкдаги маблағларини бут сақлаш, омонатчилар олдидаги мажбуриятларни тўлиқ бажариш ҳамда тўловларни ўз вақтида ва узлуксиз ўтишини таъминлаш. | Доимий | Марказий банк,<br>Тижорат банклари,<br><br>Банклар ассоциацияси,<br>Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди |
| 3.10 | Омонатчига банкдаги омонати бўйича зарур маълумотларни "SMS-банкинг" дастуридан фойдаланган ҳолда мобиль алоқа телефони ёки омонатчига берилган алоҳида идентификация рақами, логин ва пароль ёрдамида инфокиоскалар орқали ҳамда банк филиалида тадбиркорлар хонасидаги компьютерга ўрнатилган махсус дастур ёки банкнинг Интернет тармоғидаги "веб-сайти" орқали очилган "шахсий кабинет"ларига кириб олиши учун шароитлар яратиш. | Доимий | Тижорат банклари,<br>Банклар ассоциацияси,<br>Марказий банк |
| **IV. Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада ривожлантириш, пластик карточкалардан фойдаланувчилар учун зарур шароитларни яратиш, замонавий банк хизматларини янада кенгайтириш, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларини тўлов терминаллари билан тўлиқ таъминлаш** | | | |
| 4.1 | Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда 2015 йил охиригача пластик карточкаларни **15** млн. донага ва терминаллар сонини **180** минг донага етказиш. | 2015 йилнинг охиригача | Марказий банк,<br>Банклар ассоциацияси,<br>Тижорат банклари |



www.ozodlik.org

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3.4 | Ҳудудларда (айникса, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Хоразм вилоятларида) қонунчиликда белгиланган тартибда давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган фуқароларга пенсия тўловларини 50 фоизгача қисмини пластик карточкалар орқали тўлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш. | 2015 йилнинг май-июнь ойларида | Молия вазирлиги, Молия вазирлиги Ғазначилиги, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Тошкент шаҳар, Тошкент ва Хоразм вилояти ҳокимликлари, Марказий банк, Тижорат банклари |
| 3.5 | Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси тизимидаги ташкилот, муассаса ва ҳарбий қисмларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларининг 50 фоизини пластик карточкалар орқали босқичма-босқич тўлаш тизимига ўтилишини тавсия этиш. | 2015 йилнинг май-июнь ойларида | Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, Тижорат банклари |
| 3.6 | Тижорат банклари томонидан пенсионерларнинг пластик карточка ҳисобварағига Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан молиялаштирилган маблағнинг колдиқ қисми учун Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдорида йиллик фоиз тўлаш тизимини жорий этиш. | 2015 йилнинг июнь-июль ойларида | Тижорат банклари, Марказий банк, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси |
| 3.7 | Ойлик иш ҳақларини тўлалигича пластик карточкалар орқали олувчи ишчи ва хизматчилар йиллик даромадининг маълум қисмини даромад солиғидан озод қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. | 2015 йил | Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси |
| 3.8 | Аҳолини кенг турдаги халқ истеъмол товарлари билан таъминлаш мақсадида истеъмол кредитлари (музлатгич, теле-аппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар, автомобиль ва ҳ.к сотиб олиш учун) ажратилишини янада кенгайтириш. | Доимий | Тижорат банклари, Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, Марказий банк |



Умуман олганда, юқорида кўрсатиб ўтилган учта омиллар ҳисобига нақд пул тушумлари 2013 йилда **3,9 трлн**.сўмга, 2014 йилда **4,1 трлн**.сўмга, 2015 йил I чорагида **950 млрд**.сўмга *(ўртача бир ойда **317 млрд**.сўмга)* **камайди.**

Ҳозирги пайтгача нақд пул тушумларидаги ушбу катта миқдордаги **йўқотишларнинг** ўрнини **қоплаш механизми,** бошқа **муқобил манбаалари** жорий этилмаганлиги нақд пул тушумларига ҳамда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни ўз вақтида тўланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

**4.** Статистик маълумотларга кўра, ўртача бир ойда **1,9 трлн**. сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилаяпти ва **1,8 трлн**. сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилаяпти.

Бироқ, маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар томонидан халқ истеъмоли товарларини бевосита харидорларга етказиб берадиган улгуржи савдо ташкилотларига *(уларнинг сони **19** мингдан ортиқ)* пул ўтказиш йўли билан сотилишини ташкил этиш, ўз навбатида, уларнинг истеъмол товарларини чакана савдо ташкилотларига уюшган савдо орқали сотиши ҳамда тушган нақд пул тушумларини банк кассаларига топширилишини таъминлаш борасидаги ишлари қониқарсиз аҳволда қолмоқда.

Хусусан, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган айрим корхоналар томонидан ўз маҳсулотларини улгуржи савдо корхоналари орқали сотиш амалиёти ўрганилганда, улгуржи савдо ташкилотлари томонидан ўтказган пул маблағлари умуман чакана савдо ташкилотларидан келиб тушмаганлиги кузатилди.

Масалан, **"Хоразм шакар"** қўшма корхонаси томонидан 2014 йил давомида хўжалик субъектларига **869,5 млрд**.сўмлик шакар маҳсулотлари сотилган.

Хусусан, **"Зарафшон"** масъулияти чекланган жамияти томонидан **22,5** млрд.сўм, **"Brooklyn lider Service"** масъулияти чекланган жамияти **32,5** млрд.сўм, **"Big universal trade"** масъулияти чекланган жамияти **26,7** млрд.сўм, **"Umidli chorva"** масъулияти чекланган жамияти **20,1** млрд.сўм, **"Viktoriya"** масъулияти чекланган жамияти **30,6** млрд.сўм, **"Kelajak Futbol poydevori"** масъулияти чекланган жамияти **11,1** млрд.сўм, **"Vela navicula"** масъулияти чекланган жамияти



www.ozodlik.org

**30,1** млрд.сўм миқдоридаги маблағларни **"Хоразм шакар"** қўшма корхонасига шакар маҳсулотлари учун ўтказган бўлиб, ушбу улгуржи савдо корхоналари ҳисобварағига бошқа хўжалик субъектларидан **қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, хўжалик моллари, қайтарилган қарз ва бошқа мақсадлардан** шаклланган маблағлар ҳисобидан келиб тушган.

Шунингдек, **"Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД"** қўшма корхонаси ҳисобварағига салқин ичимликлар сотиб олиш учун 2014 йил давомида хўжалик субъектларидан **252,8 млрд**.сўмлик маблағлар келиб тушган.

Жумладан, **"Bog`i-shamol maishiy kimyo"** масъулияти чекланган жамияти **9,2** млрд.сўм, **"Ros standart Invest"** масъулияти чекланган жамияти **18,1** млрд.сўм, **"Водий салқин ичимликлари"** масъулияти чекланган жамияти **6,0** млрд.сўм миқдоридаги маблағларни **"Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД"** қўшма корхонасига салқин ичимликлар учун ўтказган бўлиб, ушбу улгуржи савдо корхоналари ҳисобварағига турли корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, хўжалик моллари ва бошқалардан шаклланган маблағлар ҳисобидан келиб тушган.

**"International beverages Tashkent SP" ("Пепси-кола")** қўшма корхонаси томонидан 2014 йил давомида хўжалик субъектларига **209,7 млрд**.сўмлик салқин ичимликлар сотилган.

Хусусан, **"Dilogic"** масъулияти чекланган жамияти томонидан **19,1** млрд.сўм, **"Samarkand trading group"** масъулияти чекланган жамияти **16,5** млрд.сўм, **"Etalon trade"** масъулияти чекланган жамияти **11,5** млрд.сўм, **"Brightly star trade"** масъулияти чекланган жамияти **10,2** млрд.сўм, жами **57,3** млрд.сўм миқдоридаги маблағларни **"International beverages Tashkent SP"** қўшма корхонасига салқин ичимликлар сотиб олиш учун ўтказган.

Ушбу маблағларнинг манбалари ўрганилганда, асосан **"Камалак баҳори"**, **"Great way business"**, **"Big universal trade"**, **"Mega platinum business"**, **"Semurug' savdo baraka"** ва **"Blue stick"** масъулияти чекланган жамиятлари ҳисобварақларига қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, хўжалик моллари ва бошқалар учун келиб тушган маблағлар юқоридаги улгуржи савдо корхоналарига салқин ичимликлар олиш учун ўтказилганлиги маълум бўлди.



www.ozodlik.org

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2.16 | Инкассация гурухи таркибида Давлат солик хизмати масъул ходимларининг самарали иштирокини таъминлаш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб бориш. | Доимий | Республика инкассация хизмати ДУК, Давлат солик қўмитаси, Тижорат банклари, махаллий ҳокимликлар |
| **III. Иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни кенгайтириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банкларга бўлган ишончини янада ошириш** | | | |
| 3.1 | Ижтимоий тўловлар, махсус контингент, мониторингга олинган стратегик аҳамиятга эга бўлган корхона ва ташкилотлар иш ҳақи тўловларининг белгиланган муддатларда молиялаштирилиши ҳамда ойма-ой тўланиши устидан доимий мониторинг ва назорат тадбирларини кучайтириш, ушбу тўловларни ҳудуднинг ўз ички имкониятларидан ҳамда пластик карточкалардан кенг фойдаланиш ҳисобидан тўлаш чораларини кўриш. | Доимий | Тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Молия вазирлиги Ғазначилиги, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Марказий банк, Тижорат банклари |
| 3.2 | Мониторингга олинган вазирлик ва идоралар тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш орқали иш ҳақи тўловлари учун ҳисобрақамларида етарли миқдорда маблағлар бўлишини таъминлаш. | Доимий | "Ўзбекэнерго" ДАК, Ўзбекнефтгаз" МХК, "Ўзбеккимёсаноат" ДАК, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, "Ўзагромашсервис" уюшмаси , Тижорат банклари |
| 3.3 | Шаҳар ва туманларда мавжуд нақд пул тушумлари, қўшимча имкониятлардан келиб чиқиб, иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни қайта тақсимлаш ишларини олиб бориш.<br>Ҳудудлардаги нақд пул тушумларидан оқилона фойдаланиш орқали акциз товарлари, жумладан, "GM Uzbekistan" автомашиналарини сотишдан тушаётган нақд пул тушумларини биринчи навбатда махсус контингент тўловларига йўналтирилишини таъминлаш. | Доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Тижорат банклари, Марказий банк |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Аҳолининг фойдаланган электр энергияси ва табиий газнинг реал миқдорини ҳисоблаб берувчи замонавий электрон ҳисоблагичларни мажбурий ўрнатилишини таъминлаб, ҳар бир истеъмолчи (хонадон) бўйича тўловларни аниқ ҳисоб-китоб қилиш имконини берувчи “On-line” режимида ишловчи махсус дастурий таъминотни жорий этиш. | 2015 йилнинг май-июнь ойларида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 2.12 | Аҳолининг коммунал хизматлар учун тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини жадаллаштириш, мини банклар, махсус, сайёр ва жамғарма кассаларни дам олиш кунларида ҳам ўрнатилган тартибда ишлашини таъминлаш. | Доимий | “Ўзбекэнерго”, “Ўзтрансгаз” компаниялари, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Тижорат банклари |
| 2.13 | Худудларда жами товар айланмасида уюшмаган савдо улушининг ошиб бораётганлиги сабабларини чуқур ўрганиб чиқиб, уюшган савдо тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш. | 2015 йилнинг май-июнь ойларида | Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 2.14 | Шаҳарларда ва туман марказларида йирик супермаркетлар, савдо-харид фаолиятини амалга оширувчи шўъба корхоналар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўғридан-тўғри сабзавот-полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликка ихтисослашган хўжаликлардан пул ўтказиш йўли орқали сотиб олинишини ташкил этиш. | Доимий | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Тижорат банклари |
| 2.15 | Чакана савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасидаги корхоналарда нақд пул тушумларини тушиши бўйича хронометражлар ўтказиш ҳамда унинг натижалари бўйича нақд пул тушумини ўз вақтида ва тўлиқ топширмаган хўжалик субъектларига нисбатан амалдаги қонунчиликка асосан тегишли чоралар кўриш. | Доимий | Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |



www.ozodlik.org

**"Roison"** қўшма корхонаси томонидан 2014 йил давомида хўжалик субъектларига **84,4 млрд**.сўмлик маиший техника маҳсулотлари сотилган.

**"Italceramica"** масъулияти чекланган жамияти томонидан **8,3** млрд.сўм, **"Asrtec business"** масъулияти чекланган жамияти **2,7** млрд.сўм маиший техника маҳсулотлари учун **"Roison"** қўшма корхонасига ўтказган бўлиб, ушбу корхоналар ҳисобварағига маблағлар қурилиш-монтаж ишлари, молиявий ёрдам ва бошқа мақсадлар учун келиб тушган.

Ушбу ҳолатлар, улгуржи савдо ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарувчилардан олинган халқ истеъмол товарларини катта миқдорда уюшмаган савдо тизими орқали сотилиб, пул тушумлари банкларга топширилмасдан бошқа мақсадларга (нақдлаштириш, хорижий валюталарни "қора бозор"да сотиб олиниши) ишлатилаётганлигидан далолат беради.

**5.** Ўтказилган таҳлиллар юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар миқдори якка тартибдаги тадбиркор учун жуда катта ҳажмни ташкил этаётганлигини, улар томонидан "гумонли" пул айланмалари амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2014 йил давомида Тошкент шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркорлар Б.Ахтамов **14,1** млрд.сўм, С.Абдуразаков **13,3** млрд.сўм, Б.Насриддинов **11,3** млрд.сўм, А.Тажибаев **10,0** млрд.сўм, И.Абдуллаева **6,8** млрд.сўм, А.Салманов **4,4** млрд.сўм, С.Азимов **4,4** млрд.сўм, С.Хожиматов **4,0** млрд.сўмлик **ноликвид товарлар** учун ҳисобварақларига келиб тушган маблағларни юқори ликвидли товарларга ўтказганлар ва банк кассаларига **умуман** нақд пул тушумларини топширмаганлар.

Мазкур якка тартибдаги тадбиркорлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги "Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 407-сонли қарори ҳамда 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли қарор билан тасдиқланган "Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги" Низом талабларига зид равишда улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланмоқдалар.

Шу билан бирга, айрим якка тартибдаги тадбиркорлар Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлик кафолатлари тўғрисида" Қонуни талабларини бузган холда ёлланма ишчиларни меҳнатга ёллаш орқали тадбиркорлик фаолиятидан даромад топиш билан бирга катта миқдорда "гумонли" пул айланмаларини амалга оширмоқда.

**6.** Таҳлиллар якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ўз ҳисобрақамларига тушган маблағларидан олаётган нақд пул ҳажми ошиб бораётганлигини, баъзи тадбиркорлар ўзларининг ҳисобрақамларидаги маблағларини нақд пулга айлантириш билан шуғулланаётганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги якка тартибдаги тадбиркорлар кўп холларда маҳсулотларни харид қилиш учун катта миқдордаги нақд пул маблағларини банк кассаларидан талаб қилиб олмоқдалар.

Хусусан, 2015 йилнинг январ-март ойларида республика бўйича чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги якка тадбиркорларга банк кассаларидан **444** млрд.сўм ёки 2014 йилнинг шу даврига нисбатан **82** млрд.сўмга кўп нақд пул маблағлари берилган.

**7.** Аксарият худудларда, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган субъектларга нисбатан тегишли чоралар кўриш, товарларни яширинча ишлаб чиқариш ва турли йўллар орқали нақд пулга сотиш холатларига барҳам бериш, тегишли сертификатга эга бўлмаган маҳсулотларни олиб кириш ва тарқатиш манбаларини аниқлаш ҳамда ўрнатилган тартибда қатъий чоралар кўриш борасидаги чора-тадбирлар ҳам тегишли натижаларни бермаяпти.

Хусусан, март ойида ўтказилган ўрганишларда **5,3 мингта**, жумладан, **Наманган** вилоятида **735** та, **Қашқадарё** вилоятида **639** та, **Бухоро** вилоятида **539** та, **Тошкент** вилоятида **473** та, **Фарғона** вилоятида **458** та, **Андижон** вилоятида **373** та, **Сурхондарё** вилоятида **210** та, **Навоий** вилоятида **192** та, **Сирдарё** вилоятида **191** та, **Қорақалпоғистон** Республикасида **397** та субъектлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан, нақд пул тушумларини топширмасдан фаолият кўрсатаётганликлари кузатилган.

7

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2.7 | Импорт операциялари билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларни қайта хатловдан ўтказиб, унинг натижалари бўйича белгиланган савдо қоидаларига риоя этмаган ва пул тушумларини банк кассаларига топширмаган якка тартибдаги тадбиркорларга берилган рухсатномаларни бекор қилиш чораларини кўриш. | 2015 йилнинг май-июнь ойларида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКД, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси |
| 2.8 | Хўжалик субъектлари томонидан юқори ликвидли (шакар, ун, салқин ичимликлар, цемент) ҳамда айрим турдаги акцизли (алкогол, тамаки, ўсимлик ёғи, бензин ва дизел ёқилғиси) маҳсулотлар учун пул кўчириб, уларнинг чакана савдосидан тушган нақд пул тушумларини банк кассаларига топширилиши бўйича доимий мониторинг тадбирларини кучайтириш ва натижалари бўйича қатъий чоралар кўриш. | Доимий | Давлат солиқ қўмитаси, Тижорат банклари, Республика инкассация хизмати ДУК |
| 2.9 | Инкассация хизмати томонидан тақдим этилаётган маълумотлар асосида белгиланган савдо қоидаларига риоя қилмаётган, тушган нақд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ ёки умуман топширмаётган хўжалик субъектларига нисбатан белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш. | Доимий | Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 2.10 | Умумий овқатланиш корхоналарида (ресторанлар, кафе-барлар, ошхоналар, тўйхона мажмуалари) ҳақиқатда кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг банк кассаларига топширилаётган нақд пул маблағларига мос келишини атрофлича таҳлил қилиб чиқиш, ҳақиқий имкониятларига нисбатан кам тушум топшираётганларининг тушум пулларини тўлиқ банк кассаларига топширилишини таъминлаш чораларини кўриш. | Доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Тижорат банклари |
| 2.11 | Аҳолига кўрсатилган коммунал хизматлардан мавжуд карздорликни камайтириш, шунингдек, ойлик ҳақиқий истеъмол миқдоридаги тўловларни ўз вактида ундириш бўйича ҳар бир шаҳар ва туман микёсида аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш. | Доимий | "Ўзбекэнерго", "Ўзтрансгаз" компаниялари, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, |

www.ozodlik.org

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2.3 | Чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида ҳақиқатда амалга оширилган товар айланмаси ва бажарилган хизматлар ҳажмининг топширилган нақд пул тушумларига мос келишини шаҳар ва туманлар қирқимида таҳлил қилиб бориш.<br>Нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик субъектларининг белгиланган савдо қоидаларига риоя қилиши, назорат-касса машинаси ва тўлов терминалларини узлуксиз ишлатилиши ҳамда нақд пул тушумларини тўлиқ банк кассаларига топширилиши бўйича тизимли мониторинг ўрнатиш ва мониторинг натижалари бўйича таъсирчан чоралар кўриб бориш. | Доимий | Давлат солиқ қўмитаси,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,<br>Тижорат банклари |
| 2.4 | Ҳудудларда аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширадиган барча хўжалик юритувчи субъектларни ўрганиб чиқиб, давлат рўйхатидан ўтмасдан, банкларда ҳисобварақ очмасдан фаолият кўрсатаётган субъектларга нисбатан кескин чоралар кўриш ва барча субъектларни савдо қоидаларига риоя қилган ҳолда фаолият юритишини таъминлаш. | Доимий | Давлат солиқ қўмитаси,<br>Тижорат банклари,<br>Маҳаллий ҳокимликлар,<br>мутасадди ташкилотлар |
| 2.5 | Савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш билан патент асосида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорларни тўлиқ ўрганиб чиқиб, турғун савдо жойига (айникса, шаҳарлар, туман марказлари, бозорлар ҳудудида) эга бўлган, ёлланма меҳнатдан фойдаланаётган ҳамда катта миқдорда савдо айланмаларини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорларни юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш. | 2015 йил май ойида | Иқтисодиёт вазирлиги,<br>Давлат солиқ қўмитаси,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 2.6 | Қурилиш материаллари, шу жумладан, цемент, шифер материалларини фирма дўконлари орқали аҳолига нақд пулга сотиш лимитини аҳоли талабидан келиб чиқиб, сезиларли даражада кўпайтириш мақсадида товар-моддий бойликлар моддий қиймат балансларини қайта кўриб чиқиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш. | 2015 йилнинг май-июнь ойларида | Иқтисодиёт вазирлиги,<br>"Ўзқурилишматериаллари" компанияси,<br>Маҳаллий ҳокимликлар |



www.ozodlik.org

Шунингдек, бугунги кунда республика бўйича **125** мингдан ортиқ субъектларнинг кўпчилиги савдо нуқталарига эга бўлгани ҳолда тушум пулларини банк кассаларига топширмасдан ўртача **200-400** минг сўм миқдорда фақатгина **патент тўлови асосида** савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб келмоқдалар.

Ушбу патент асосида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг айримлари ўз гувоҳномаларида кўрсатилганидан бошқа турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, тушум пулларини банк кассаларига умуман топширмасдан фаолият кўрсатмоқда.

Жумладан, **Янгиер** шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркор "А.Бўронов" гувоҳномасида ***"миллий ширинликлар савдоси"*** деб белгиланган бўлсада, амалда 40 ўринга эга бўлган "Жийда" номли ошхона фаолиятини юритаётганлиги маълум бўлган.

**Шўрчи** туманидаги якка тартибдаги тадбиркор "А.Чориев" гувоҳномасида ***"озиқ-овқат товарларини чакана сотиш"***, **Шофиркон** туманидаги якка тартибдаги тадбиркор "Ч.Кўшаев" гувоҳномасида ***"миллий ширинликлар тайёрлаш ва сотиш"***, деб белгиланган бўлсада, ҳақиқатда **умумий овқатланиш** фаолияти билан шуғулланиб келаётганлиги кузатилган.

**Навоий** шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркор "Д.Аъзамова", **Қўқон** шаҳридаги якка тадбиркор "С.Акбаров", **Шаҳрихон** туманидаги якка тартибдаги тадбиркор "М.Хўжаев" гувоҳномаларида ***"миллий ширинликлар тайёрлаш ва сотиш"***, **Косон** туманидаги якка тадбиркор "Ж.Рустамов"га ***"доналаб сотиш"***, **Чирчиқ** шаҳридаги якка тадбиркор "Ш.Рўзибаева"га ***"тикувчилик"*** учун гувоҳнома берилган бўлсада, ҳақиқатда улар **озиқ-овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотларини сотиш** фаолияти билан шуғулланмоқдалар.

Бу каби якка тартибдаги тадбиркорлар нақд пул тушумларини топширмасдан, фақатгина ўз маҳсулотлари, жумладан "миллий ширинликлар тайёрлаш ва сотиш" учун белгиланган тўловларнинг энг кам миқдорида, яъни бир ойда ўртача минимал иш ҳақининг **1,5 баравари** ёки **180** минг сўм патент тўловини тўлаб фаолият юритмоқдалар.

**8.** Озиқ-овқат ва нозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, аҳолига кўрсатилаётган чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш мақсадлари учун тижорат банклари томонидан катта миқдорда кредит маблағлари ажратиб келинмоқда, ушбу соҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш устувор вазифа бўлиб келмоқда.

Хусусан, республика бўйича тижорат банклари томонидан 2010-2015 йиллар давомида **озиқ-овқат** йўналиши бўйича **5,5 трлн.** сўм, **ноозиқ-овқат** йўналиши бўйича **5,8 трлн.** сўм, **чакана савдо** корхоналарига айланма маблағларини тўлдириш учун **4,6 трлн.** сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари ажратилган.

Жумладан, 2010-2015 йиллар давомида жами **1,8 трлн.** сўм миқдорида **чорвачилик** (882 млрд. сўм), **паррандачилик** (460 млрд. сўм), **иссиқхона** (166 млрд. сўм), **балиқчилик** (64 млрд. сўм), **интенсив боғ** (241 млрд. сўм) ва **асаларичилик** (31 млрд. сўм) хўжаликларига кредит маблағлари ажратилган.

Бироқ, ўтказилган ўрганишлар хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳсулотларни етиштириш учун кредит маблағлари ажратилаётган бўлсада, маҳсулотлар сотишдан тушган пул тушумлари банк кассаларига топширилмасдан қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, **Шаҳрихон** туманидаги "Тараққиёт ташаббуси", **Янгиқўрғон** туманидаги "Истиқлол парранда", **Олтиариқ** туманидаги "Бегас наслчилик", **Ғузор** туманидаги "Қодиров Карим бобо", **Гулистон** туманидаги "Ахмадкул Таникулов ҳосили" каби **паррандачилик** фаолияти билан шуғулланаётган субъектлар, **Қизилтепа** туманидаги "Муроджон орзуси", **Бўстонлиқ** туманидаги "Чорбоғ форел", **Фориш** туманидаги "Голд фиш-Фориш", **Иштихон** туманидаги "Жавоҳир Уйғун Аслибек", **Элликқалъа** туманидаги "Мадамин Жахонгир" каби **балиқчилик** билан шуғулланаётган хўжаликлар томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотишдан тушган тушумлар банк кассаларига топширмасдан фаолият юритмоқда.

Шунингдек, **Янгийўл** туманидаги "Махпират давр", **Уйчи** туманидаги "Ғайрат бўрдоқи", **Ургут** туманидаги "Хотам", **Амударё** туманидаги "Ахмат Тўлқин", **Жондор** туманидаги "Файз Агросервис" фермер хўжаликларига **чорвачиликни** ривожлантириш учун кредит маблағлари



| | | | |
|---|---|---|---|
| 1.15 | Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига етиштирган маҳсулотларини бевосита ўзлари сотиш учун шаҳар ва туман марказлари бозорларида, савдо мажмуаларида алоҳида жойлар (турғун савдо шохобчалари) ажратилишини ташкил этиш ва уларнинг тушум пулларини банк кассаларига жалб қилиш чораларини кўриш. | Доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Республика инкассация хизмати ДУК, Тижорат банклари |
| 1.16 | Чорвачилик, паррандачилик, иссиқхона, балиқчилик, интенсив боғ ва асаларичилик хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва маҳсулотларни етиштириш учун банклар томонидан ажратилган кредит маблағларини маҳсулотлар сотишдан тушган пул тушумлари ҳисобидан ўз вақтида қопланишини доимий назоратга олиш. | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Тижорат банклари |
| **II. Савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари томонидан белгиланган савдо қоидаларига риоя қилиш, назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларидан фойдаланиш, нақд пул тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ банк кассаларига топширилиши бўйича мониторинг самарадорлигини ошириш** | | | |
| 2.1 | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кирқимида савдо, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар бўйича тасдиқланган тушум прогноз кўрсаткичларини, ҳар бир шаҳар ва туманлар кесимида хўжалик субъектларининг реал имкониятларидан келиб чиқиб белгилаш ва унинг кунма-кун бажарилишини таъминлаш. | Ҳар ойда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Республика инкассация хизмати ДУК, Тижорат банклари |
| 2.2 | Шаҳар ва туманлар бўйича нақд пул оқими, нақд пулдаги ҳисоб-китоблар ҳолатини чуқур таҳлил қилган ҳолда нақд пул тушумларини иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар миқдорининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда ўтган йилнинг шу даврига мутаносиб равишда камида 30 фоизга ошириб бориш чораларини кўриш. | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Тижорат банклари |

www.ozodlik.org

ажратилган бўлиб, гўшт ва сут маҳсулотларини сотишдан ушбу даврда банк кассаларига умуман нақд пул маблағлари топширилмаган.

**Кармана** туманидаги "Интер барлос", **Сариосиё** туманидаги "Телпакчинор омади" деҳқон хўжаликларига **иссиқхона**, **Андижон** туманидаги "Кавлонов Бахрамжон", **Бўстонлиқ** туманидаги "Ўрингоксой Шерали", **Бувайда** туманидаги "Исломжон Шукурулло" каби субъектларга **асаларичилик** учун кредит маблағлари ажратилгани ҳолда, улар томонидан банк кассаларига умуман нақд пул топширилмаяпти.

**9.** Ҳудудларда аҳолини кундалик эҳтиёж маҳсулотлари билан тўларoқ таъминлаш, жойларда фирма ва махсус дўконлар ташкил этиш, уюшмаган савдо тизимини тартибга солиш борасида маҳаллий ҳокимликлар ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида ташкил қилинмаяпти.

Ҳудудлардан олинган маълумотлар таҳлили натижаларига кўра 2015 йил 1 апрель ҳолатига республика бўйича **4,7** мингта халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг **1,2** мингтаси ёки **26** фоизи ўз фирма дўконларини ташкил этган.

Аммо ўрганишларда, **Самарқанд** шаҳридаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган "Самарқанд кристал полипласт", **Жиззах** шаҳридаги гилам ишлаб чиқарадиган "Ут-Жиззантел", **Фарғона** шаҳридаги шифер ишлаб чиқарадиган "Бюлдинг материалс", **Чирчиқ** шаҳридаги "Болалар пойафзали", **Хўжаобод** туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Хўжаобод Фарёзбек Анд", **Норин** туманидаги салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи "Норин Ботлерс" корхоналарининг фирма дўконлари фаолият юритмаётганлиги маълум бўлган.

Ўтказилган ўрганишларда **Тошкент, Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Наманган, Жиззах, Навоий** каби вилоятлар марказларидаги деҳқон бозорлари ва савдо мажмуаларида иссиқхона, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, чорвачиликка ихтисослашган хўжалик субъектларига ва кўп тармоқли фермер хўжаликларига етиштирилаётган маҳсулотларни *(гўшт, тухум, помидор, бодринг, балиқ, асал ва ҳ.к)* аҳолига бевосита сотишлари учун **алоҳида жойлар** (турғун савдо шохобчалари) ажратилмаганлиги ва ушбу маҳсулотларнинг **уюшган савдо тизими орқали сотилиши** ташкил этилмаганлиги кузатилган.



| | | | |
|---|---|---|---|
| 1.12 | Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан келтирилган хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда улар асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажмини ўрганиб, товарларни "хуфиёна" ишлаб чиқариш ва нақд пулга сотиш ҳолатларининг олдини олиш.<br>Буюм, деҳқон ва қурилиш материаллари бозорлари ҳудудида, аҳоли гавжум жойларда рухсат этилмаган фаолият турлари ва контрафакт маҳсулотлар савдоси билан шуғулланаётган шохобчаларда назорат тадбирларини амалга ошириб, бундай ҳолатларга барҳам бериш чораларини кўриш. | Доимий | Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКД, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги |
| 1.13 | Республика чегаралари орқали хорижда ишлаб чиқарилган товар-моддий бойликларини, айниқса, халқ истеъмоли маҳсулотлари, дори-дармон воситалари ва спиртли ичимликларни ноқонуний олиб ўтиш, турли омборларда сақлаш, ички ҳудудларга ташиш билан шуғулланувчи гуруҳларни аниқлаш борасида ўзаро маълумотлар алмашинувини яхшилаш ҳамда ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ кескин чоралар кўрилишини таъминлаш. | Доимий | Давлат божхона қўмитаси, Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар |
| 1.14 | Ҳудудлардаги халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фирма дўконларининг самарали фаолият юритишини таъминлаш, бўш турган бино-иншоотларни истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга фирма дўконларини очиш учун "нол қийматда" ижарага бериш.<br>Шаҳар ва туман марказларида замонавий супермаркетлар ва йирик савдо дўконлари филиалларини очиш ҳамда уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш орқали банк кассаларига тушадиган савдо тушумларини кўпайтириш чораларини кўриш. | 2015 йилнинг май-июнь ойларида | Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |



www.ozodlik.org

**10.** Бугунги кунда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг ўртача бир ойда **40** фоиздан ортиғи пластик карточкалар орқали тўланаётган бир пайтда махсус контингент ташкилотлари тўловларининг пластик карточкалар орқали тўланиши **14** фоизни ташкил этмоқда.

Жумладан, Мудофаа вазирлиги тизимидаги ташкилот, муассаса ва ҳарбий қисмлар пул тўловларининг атиги **1,9** фоизи, Ички ишлар вазирлиги бўйича **23,0** фоизи, Давлат божхона қўмитаси бўйича **21,6** фоизи, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўйича **13,7** фоизи банк пластик карточкаларига ўтказиш орқали тўланмоқда.

**11.** Нақд пул тушумларининг манбаларидан бири бўлган **коммунал хизматлар учун** тўловларни ўз вақтида ундириш ва уларни банк кассаларига топширтириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам етарли даражада эмас.

"Ўзбекэнерго", "Ўзтрансгаз" компаниялари ва ҳудудлардан олинган маълумотларга кўра, аҳолининг коммунал тўловлардан қарзи 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра **6,1 трлн**. сўмни *(шундан, табиий газ бўйича – **3,9** трлн. сўм, электр энергиядан - **2,0** трлн. сўм)* ташкил этиб, жорий йил 1 январига нисбатан **353** млрд.сўмга кўпайган *(4-илова)*.

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг мавжудлиги банк кассаларига жалб қилинаётган нақд пул тушумлари ҳажмига ва энг муҳими, ижтимоий тўловларни ҳамда махсус контингент, мониторингга олинган корхона ва ташкилотларнинг иш ҳақи тўловларини ўз вақтида тўланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумотлар таҳлили ва мониторинг натижаларига кўра жорий йилнинг апрель ойида март ойида тўланмай қолган тўловлар билан бирга жами **4,0 трлн**. сўмлик иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни *(жумладан, **2,2 трлн.** сўмлик ижтимоий тўловларни, **561 млрд**. сўмлик махсус контингент тўловларини, **1,2 трлн.** сўмлик корхона ва ташкилотлар иш ҳақи тўловларини)* тўлаш зарур *(5-илова)*.

Бундан ташқари, **700 млрд**.сўмлик аҳоли ва хўжалик субъектларининг бошқа *(омонатларга, тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига нақд пул бериш, маҳсулот тайёрлашга)* нақд пулга бўлган эҳтиёжларини қондириш лозим бўлади.



| | | | |
|---|---|---|---|
| 1.8 | Ҳужжатларда ва солиқ ҳисоботларида ишчи-хизматчилар сонини кам кўрсатган ҳолда ноқонуний ёлланма ишчи кучидан фойдаланиб, «конверт усулида» иш ҳақи тўлаш ҳолатларини аниқлаш ва бундай ҳолатларга йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига нисбатан қонунчиликка мувофиқ қатъий чоралар қўллаш. | Доимий | Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКД, Давлат солиқ қўмитаси |
| 1.9 | Яширин цехларни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳудудий газ таъминоти ва электр тармоқлари корхоналари томонидан жисмоний шахсларнинг эгалигида бўлган бино-иншоотларга юқори қувватли электр энергия манбаларини ҳамда қўшимча равишда газ тарқатиш мосламаларини улаганларига нисбатан ҳар ойда солиқ ва департаментнинг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда назорат тадбирларини ўтказиш ва тегишли чоралар кўриш. | Доимий | "Ўзбекэнерго", "Ўзтрансгаз" компаниялари, Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКД, Давлат солиқ қўмитаси |
| 1.10 | Контрафакт маҳсулотларни қонунга хилоф равишда республика ҳудудига олиб кириш ва тарқатиш манбаларини, ноқонуний олиб кирилган товарлар сақланаётган объектларни ҳамда қўлбола спиртли ва салкин ичимликлар, ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган яширин цехларни аниқлаш ва уларга нисбатан белгиланган тартибда таъсир чораларини кўриш.<br>Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида солиқ қонунчилигини бузиш, турли йиғимларни ундириш, акциз солиғига тортиладиган товарлар ва контрафакт маҳсулотларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини оширилган нархларда қайта сотиш ҳолатларига чек қўйиш ҳамда ушбу маҳсулотларнинг сотишдан тушган нақд тушумларини тўлик инкассация қилинишини таъминлаш. | Доимий | Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКД, Ички ишлар вазирлиги |
| 1.11 | Хусусий тадбиркорларга берилаётган гувоҳномаларида кўрсатилганидан бошқа турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини назорат қилиш тадбирларини ўтказиш ва тегишли чоралар кўриш. | Доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат солиқ қўмитаси |



www.ozodlik.org

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1.4 | Озиқ-овқат (салкин ичимликлар, кондитер, парранда маҳсулотлари ва бошқалар) ва ноозиқ-овқат (кийим-кечак, парфюмерия, қурилиш материаллари ва бошқалар) маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг ишлаб чиқараётган товарларини бозорларда ноқонуний равишда сотиш ҳолатларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигини ошириш. | Доимий | Давлат солиқ қўмитаси, Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛККД, |
| 1.5 | Халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши ва сотилишини ҳамда улгуржи савдо корхоналари томонидан маҳсулотларни ишлаб чиқарувчидан сотиб олиниши ҳамда ушбу маҳсулотларни (яна қайтадан улгуржи савдо ёки чакана савдо корхоналарига) сотилишини мониторинг ва таҳлил қилиш.<br>Маҳсулотларни нақд пулга улгуржи сотиш ҳолатларига нисбатан кескин чоралар қўллаш. | Доимий | Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛККД, Давлат солиқ қўмитаси, Тижорат банклари, Республика инкассация хизмати ДУК |
| 1.6 | Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги "Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 407-сонли қарори ҳамда 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли қарор билан тасдиқланган "Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги" Низом талабларига зид равишда улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан тегишли чоралар кўриш. | Доимий | Давлат солиқ қўмитаси, Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛККД, Тижорат банклари |
| 1.7 | Жойларда озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, ташиш ва сотиш, пул тушумларининг тўлиқ топширилиши устидан мониторингни жорий этиш, ҳудудлараро постларда товар-транспорт ҳужжатларни қайд этишни йўлга қўйиш.<br>Ҳар куни солиқ органларига, СВОЖЖДЛККДнинг ҳудудий, туман (шаҳар) бўлинмаларига, ҳудудий инкассация бошқармасига, маҳаллий ҳокимликларга электрон кўринишида ахборотларни (юк, уни олувчи ва етказиб берувчи тўғрисида) бериб бориш. | 2015 йилнинг май-июнь ойларида | Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛККД, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Тижорат банклари, Республика инкассация хизмати ДУК, |



www.ozodlik.org

Мазкур ҳолатлар, ҳудудларда нақд пул тушумларини кескин кўпайтириш, мавжуд салбий ҳолатларни қисқа муддатларда бартараф этиш бўйича тезкор амалий чора-тадбирлар кўришни, бу борада маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли мутасадди ташкилотларнинг биргаликда мувофиқлаштирилган тизимли ишларни ташкил этишини тақозо қилади.

***Ҳурматли Шавкат Миромонович!***

Иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг, шу жумладан, махсус контингент ташкилотлари тўловларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида **ҳукумат даражасида** нақд хорижий валютани сотишдан тушадиган ҳамда айрим соҳаларда "сўм" ўрнига хорижий валютада тўловлар амалга оширилаётганлиги сабабли **"йўқотилаётган"** нақд пул тушумлари **ўрнини қоплаш масаласини** алоҳида кўриб чиқиб, тегишли амалий чора-тадбирларни кўриш лозим бўлмоқда.

Жумладан, пул маблағларини банк айланмасига жалб қилишни кўпайтириш, хўжалик субъектлари томонидан нақд пул тушумларини тўлиқ банк кассаларига топширилиши ҳамда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида тайёрланган **Чора-тадбирлар мажмуини** белгиланган тартибда тасдиқлаб, унинг ҳар бир бандининг тегишли **масъул ижрочилар** томонидан **ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши** юзасидан доимий мониторинг ва назорат ўрнатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, мутасадди вазирлик ва идораларга тегишли кўрсатмалар беришингизни сўраймиз.

*("Пул маблағларини банк айланмасига жалб қилишни кўпайтириш, чакана савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектлари томонидан нақд пул тушумларини тўлиқ банк кассаларига топширилиши, пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш ҳамда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш бўйича Чора-тадбирлар мажмуи" лойиҳаси илова қилинмоқда).*

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки Раисининг**
**биринчи ўринбосари** **У.М. Мустафоев**

**Ҳудудлар бўйича 2015 йил 1 Апрель холатига колган Март ойи Асосий тўловлари тўғрисида**

**М А Ъ Л У М О Т**

*(млрд.сўм)*

| Худудлар | Қолаётган асосий тўловлар | Контингент тўловлари | Мониторингга олинган корхоналар иш ҳақи тўловлари | Ижтимоий тўловлар | *Шундан:* | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | *Пенсия* | *Бюджет* | *Нафақа* |
| **Қорақалпоғистон Респ.** | **21,5** | **1,9** | 10,6 | **9,0** | *9,0* | | |
| **Андижон** | **23,5** | **10,1** | 2,1 | **11,3** | *11,3* | | |
| **Бухоро** | **19,7** | **5,7** | 14,0 | | | | |
| **Жиззах** | **1,1** | | 1,1 | | | | |
| **Қашкадарё** | **26,7** | **7,5** | 12,5 | **6,7** | *6,7* | | |
| **Навоий** | **17,7** | **7,3** | 10,4 | | | | |
| **Наманган** | **20,0** | **6,9** | 0,5 | **12,6** | *12,6* | | |
| **Самарканд** | **9,3** | **2,9** | 2,9 | **3,5** | *3,5* | | |
| **Сурхондарё** | **9,2** | **1,2** | 2,5 | **5,5** | *5,5* | | |
| **Сирдарё** | **18,5** | **4,3** | 11,0 | **3,2** | *3,2* | | |
| **Тошкент вил.** | **7,7** | | 7,7 | | | | |
| **Фарғона** | **31,7** | **6,0** | 19,3 | **6,4** | *6,4* | | |
| **Хоразм** | **1,0** | | 1,0 | | | | |
| **Тошкент ш.** | **33,4** | | 33,4 | | | | |
| **Жами** | **241,0** | **53,8** | **129,0** | **58,2** | **58,2** | | |

**Пул маблағларини банк айланмасига жалб қилишни кўпайтириш, чакана савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектлари томонидан нақд пул тушумларини тўлиқ банк кассаларига топширилиши, пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш ҳамда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш бўйича**

**ЧОРА-ТАДБИРЛАР МАЖМУИ**

| № | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| **I.** | **Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилари билан улгуржи ва чакана савдо корхоналари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш чораларини кўриш** | | |
| 1.1 | Халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар (жумладан, қўшма корхоналар) томонидан чакана савдо корхоналарига маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан сотилишини таъминлаш ҳамда улар томонидан шаҳар ва туманларда фирма дўконларини ташкил этиш ва бу борада амалга оширилган ишлар бўйича ҳар чорак якунида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этиш. | Доимий | Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 1.2 | Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган юридик шахслар устав капиталини тўлиқ шакллантирилганлиги, халқ истеъмоли товарларини сақлаш учун омборхона ва бошқа техник асбоб-ускуналарга эгалигини ўрганиб чиқиб, ўрнатилган тартиб-қоидалар талабларига жавоб бермаган улгуржи савдо корхоналарининг лицензияларини бекор қилиш юзасидан белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш ҳамда ушбу масалани доимий назоратга олиш. | Доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат солиқ қўмитаси |
| 1.3 | Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини тартибга солиш мақсадида юридик шахсларга “Улгуржи ва чакана савдо” фаолияти учун берилаётган лицензияларни алоҳида “Улгуржи савдо” фаолияти учун берилишини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш. | 2015 йилнинг май-июнь ойларида | Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, маҳаллий ҳокимликлар |

www.ozodlik.org

*5-илова*

**Худудлар бўйича 2015 йил Апрель ойи Асосий тўловлар талаби тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

(млн.сум)

| Худудлар | Ижтимоий тўловлар | *Шундан:* | | | Контингент тўловлари | Мониторингга олинган ташкилотлар ва бошқа хўжалик хисобидаги корхоналар иш хақлари | Жами асосий тўловлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *Пенсия* | *Бюджет* | *Нафақа* | | | |
| **Қорақалпоғистон Респ.** | **141,2** | *72,3* | *60,1* | *8,7* | **23,2** | 45,5 | **209,9** |
| **Андижон** | **187,4** | *99,8* | *77,1* | *10,6* | **38,0** | 58,6 | **284,0** |
| **Бухоро** | **134,6** | *68,1* | *60,9* | *5,7* | **34,0** | 65,3 | **233,9** |
| **Жиззах** | **82,6** | *31,9* | *44,5* | *6,2* | **21,2** | 15,4 | **119,2** |
| **Қашқадарё** | **188,6** | *90,7* | *82,4* | *15,5* | **49,7** | 89,3 | **327,6** |
| **Навоий** | **89,5** | *46,2* | *40,5* | *2,8* | **33,6** | 80,2 | **203,3** |
| **Наманган** | **169,3** | *87,5* | *70,6* | *11,2* | **32,0** | 49,0 | **250,3** |
| **Самарқанд** | **225,0** | *111,5* | *98,5* | *15,0* | **38,0** | 56,1 | **319,1** |
| **Сурхондарё** | **153,2** | *74,7* | *66,1* | *12,4* | **35,7** | 46,5 | **235,4** |
| **Сирдарё** | **62,6** | *30,3* | *29,1* | *3,2* | **19,6** | 23,8 | **106,0** |
| **Тошкент вил.** | **181,9** | *108,5* | *67,9* | *5,4* | **32,5** | 89,0 | **303,4** |
| **Фарғона** | **217,3** | *122,4* | *85,0* | *9,9* | **47,2** | 80,0 | **344,5** |
| **Хоразм** | **115,2** | *57,5* | *50,7* | *6,9* | **14,6** | 46,7 | **176,5** |
| **Тошкент ш.** | **311,2** | *132,4* | *172,5* | *6,3* | **141,5** | 445,5 | **898,2** |
| **Жами** | **2 259,6** | **1 133,8** | **1 006,0** | **119,8** | **560,8** | **1 191,0** | **4 011,4** |

*2-илова*

**Худудлар бўйича 2014 йил ва 2015 йил Январь-Март ойларида тушган Нақд пул тушумлари тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

*(Терминал тушумларисиз)*

*(млн.сўм)*

| Худудлар | Жами тушум | | | | Савдо ва пуллик хизматлардан тушум | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2014 йил | 2015 йил | Фарки (+,-) | Фоизда | 2014 йил | 2015 йил | Фарки (+,-) | Фоизда |
| **Қорақалпоғистон Рес.** | 193 182 | 208 196 | **15 014** | ***107,8*** | 140 130 | 149 214 | **9 084** | ***106,5*** |
| **Андижон** | 378 658 | 368 101 | **-10 557** | ***97,2*** | 262 020 | 260 697 | **-1 323** | ***99,5*** |
| **Бухоро** | 265 901 | 277 734 | **11 834** | ***104,5*** | 160 170 | 163 638 | **3 468** | ***102,2*** |
| **Жиззах** | 130 387 | 133 165 | **2 779** | ***102,1*** | 83 378 | 86 762 | **3 384** | ***104,1*** |
| **Қашқадарё** | 238 942 | 253 004 | **14 062** | ***105,9*** | 159 361 | 170 990 | **11 629** | ***107,3*** |
| **Навоий** | 174 613 | 191 557 | **16 944** | ***109,7*** | 100 874 | 102 033 | **1 159** | ***101,1*** |
| **Наманган** | 317 115 | 301 861 | **-15 254** | ***95,2*** | 222 493 | 213 328 | **-9 165** | ***95,9*** |
| **Самарқанд** | 552 929 | 540 512 | **-12 418** | ***97,8*** | 344 723 | 335 783 | **-8 941** | ***97,4*** |
| **Сурхондарё** | 224 798 | 256 345 | **31 547** | ***114,0*** | 151 475 | 176 925 | **25 450** | ***116,8*** |
| **Сирдарё** | 85 630 | 104 199 | **18 569** | ***121,7*** | 62 667 | 72 520 | **9 853** | ***115,7*** |
| **Тошкент вил.** | 492 742 | 595 745 | **103 003** | ***120,9*** | 379 614 | 471 914 | **92 299** | ***124,3*** |
| **Фарғона** | 475 079 | 479 601 | **4 521** | ***101,0*** | 327 454 | 339 393 | **11 939** | ***103,6*** |
| **Хоразм** | 433 398 | 451 156 | **17 758** | ***104,1*** | 218 590 | 225 843 | **7 253** | ***103,3*** |
| **Тошкент ш.** | 2 091 260 | 2 375 081 | **283 820** | ***113,6*** | 1 360 150 | 1 536 557 | **176 407** | ***113,0*** |
| **Республика бўйича жами** | **6 054 634** | **6 536 257** | **481 622** | ***108,0*** | **3 973 100** | **4 305 596** | **332 495** | ***108,4*** |

www.ozodlik.org

**2015 йил Январь-Март ойларида Нақд пул тушумлари бўйича Прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисида**

**М А Ъ Л У М О Т**

*(Савдо терминали тушумлари хисобга олинган)* *(млн.сўм)*

| Худудлар | Жами тушум | | | | | Савдо ва пуллик хизматлардан тушум | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Прогноз | Амалда | Шу жумладан, терминалдан тушум | Фарки (+,-) | Фоизда | Прогноз | Амалда | Шу жумладан, терминалдан тушум | Фарки (+,-) | Фоизда |
| Қорақалпоғистон Рес. | 650 100 | **580 365** | 372 169 | **-69 735** | ***89,3*** | 581 100 | **466 544** | 317 330 | **-114 556** | ***80,3*** |
| Андижон | 1 024 200 | **776 692** | 408 591 | **-247 508** | ***75,8*** | 883 200 | **619 460** | 358 763 | **-263 740** | ***70,1*** |
| Бухоро | 861 300 | **744 254** | 466 520 | **-117 046** | ***86,4*** | 723 300 | **573 401** | 409 763 | **-149 899** | ***79,3*** |
| Жиззах | 416 400 | **318 058** | 184 893 | **-98 342** | ***76,4*** | 353 400 | **242 544** | 155 782 | **-110 856** | ***68,6*** |
| Қашқадарё | 946 500 | **748 795** | 495 791 | **-197 705** | ***79,1*** | 844 500 | **611 312** | 440 322 | **-233 188** | ***72,4*** |
| Навоий | 610 500 | **513 288** | 321 731 | **-97 212** | ***84,1*** | 499 500 | **383 073** | 281 040 | **-116 427** | ***76,7*** |
| Наманган | 797 100 | **663 737** | 361 876 | **-133 363** | ***83,3*** | 680 100 | **525 564** | 312 236 | **-154 536** | ***77,3*** |
| Самарканд | 1 299 900 | **1 047 088** | 506 576 | **-252 812** | ***80,6*** | 1 071 900 | **786 399** | 450 616 | **-285 501** | ***73,4*** |
| Сурхондарё | 713 400 | **600 585** | 344 240 | **-112 815** | ***84,2*** | 614 400 | **461 143** | 284 218 | **-153 257** | ***75,1*** |
| Сирдарё | 309 900 | **226 669** | 122 470 | **-83 231** | ***73,1*** | 267 900 | **174 212** | 101 692 | **-93 688** | ***65,0*** |
| Тошкент вил. | 1 367 100 | **1 122 555** | 526 810 | **-244 545** | ***82,1*** | 1 196 100 | **962 691** | 490 777 | **-233 409** | ***80,5*** |
| Фарғона | 1 230 000 | **1 040 520** | 560 919 | **-189 480** | ***84,6*** | 1 071 000 | **826 871** | 487 478 | **-244 129** | ***77,2*** |
| Хоразм | 746 400 | **695 936** | 244 780 | **-50 464** | ***93,2*** | 566 400 | **436 701** | 210 858 | **-129 699** | ***77,1*** |
| Тошкент ш. | 5 107 200 | **3 937 343** | 1 562 262 | **-1 169 857** | ***77,1*** | 3 787 200 | **2 907 210** | 1 370 653 | **-879 990** | ***76,8*** |
| **Жами** | **16 080 000** | **13 015 885** | **6 479 628** | **-3 064 115** | ***80,9*** | **13 140 000** | **9 977 124** | **5 671 528** | **-3 162 876** | ***75,9*** |

www.ozodlik.org

*4-илова*

**Ахолининг Коммунал хизматлардан карздорлиги тўғрисида**
**2015 йил 1 апрель холатига бўлган**

**М А Ъ Л У М О Т***

*(млн.сўм)*

| Худудлар | Алоқа | Газ | Электр энергия | Иссиқ ва совуқ сув, иситиш ва бошқа коммунал тўловлар | Жами | 2015 йил 1 январга нисбатан фарқи (+,-) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Рес. | 288 | 191 086 | 15 894 | 5 657 | **212 924** | *4 481* |
| Андижон | 304 | 338 347 | 149 762 | 3 167 | **491 581** | *-1 698* |
| Бухоро | 157 | 269 012 | 25 804 | 6 849 | **301 822** | *18 389* |
| Жиззах | | 284 649 | 96 770 | 5 347 | **386 766** | *25 000* |
| Қашқадарё | 333 | 262 042 | 276 880 | 9 733 | **548 988** | *50 871* |
| Навоий | 307 | 34 442 | 4 179 | 1 710 | **40 638** | *3 481* |
| Наманган | 533 | 264 624 | 161 272 | 18 094 | **444 523** | *10 502* |
| Самарқанд | 459 | 392 385 | 366 439 | 23 876 | **783 160** | *21 815* |
| Сурхондарё | 289 | 91 873 | 142 397 | 265 | **234 824** | *17 903* |
| Сирдарё | 166 | 206 655 | 150 817 | 5 097 | **362 735** | *21 342* |
| Тошкент вил. | 407 | 572 509 | 179 327 | 16 857 | **769 100** | *88 107* |
| Фарғона | 287 | 311 606 | 314 520 | 16 602 | **643 015** | *39 363* |
| Хоразм | 384 | 243 017 | 80 290 | 10 445 | **334 135** | *17 419* |
| Тошкент ш. | 559 | 427 067 | 82 053 | 38 068 | **547 747** | *35 863* |
| **Республика бўйича жами** | **4 473** | **3 889 315** | **2 046 404** | **161 768** | **6 101 958** | ***352 836*** |
| ***2015 йил 1 январь холатига*** | **4 117** | **3 630 645** | **1 955 767** | **158 594** | **5 749 122** | |

* "Ўзбекэнерго", "Ўзтрансгаз" компаниялари ва худудлардан олинган маълумотларга кўра